*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил **1 апрель** ШАНБА **№ 27** (12975)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кучли фуқаролик жамияти сари

*Маҳалла – улкан ҳаёт мактаби, меҳр-оқибат, бағрикенглик, эзгу қадрият ва урф-одатлар маскани. Шу боис, ўзига хос тарбия ўчоғи бўлмиш маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.*

## ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ: АДОЛАТ ВА ДАХЛДОРЛИК – УСТУВОР МЕЗОН

Истиқлол йилларида дунёда ўхшаши бўлмаган мазкур тизим янада такомиллашди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу тизим ривожини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур Фармон фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилиш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш, уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Аввал хабар қилганимиздек, мазкур Фармон ижроси доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва туманларнинг таъсис конференциялари ўтказилмоқда. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Олмалиқ шаҳри, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида шундай таъсис конференциялари бўлиб ўтди.

Юксак савияда ташкил этилган анжуманларда ҳудудлар ҳокимлари, фонднинг ҳудудий бўлинмалари бошқаруви раислари, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**Давоми 2-бетда.**

## БЕНАЗИР БАХТ, ЮКСАК ШАРАФ

Фармон ва ижро

*Дилшод Усмонов Олмалиқ кон-металлургия комбинати "Қалмоққир" кон бошқармасида муҳандис бўлиб ишлайди. Ҳавас қилса арзигулик оила соҳиби, касбу коридан ҳам барака топган. Бироқ, тақдир экан, муайян сабабларга кўра, фуқароликка эга эмасди. Яқинда бир гуруҳ юртдошларимиз каби унинг ҳам энг улкан орзуси рўёбга чиқди.*



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 февралдаги Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганлар орасида Дилшод каби 7 вилоятдошимиз бор.

Куни кеча вилоят маркази – Тўйтепа шаҳрида ана шу Фармон ижросига мувофиқ, фуқаролик паспортларини ўз эгаларига топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқароликка қабул қилинганларнинг яқинлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Фуқаролик паспортларини ўз эгаларига вилоят ҳокими Шукурулло Бобоев топширди.

– Ўзбекистон фуқароси паспортини қўлимга олган заҳоти кўзимга суртдим, – дейди олмалиқлик Мастура Атабаева. – Ахир, бу кунни озмунча кутдикми? Президентимизга мингдан минг раҳмат. Бундай мардона ғамхўрликни умрбод унутмаймиз, бу ишончни ҳалол меҳнатимиз, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатимиз билан оқлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, бундан сал аввалроқ, Президентимизнинг 2016 йил 20 декабрдаги Фармонига асосан вилоятимизда умргузаронлик қилаётган 35 нафар инсонга фуқаролик паспортлари топширилган эди.

**Алишер РАҲМАТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.*

Семинар

*Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Мулоқот маданияти – оилалар билан самарали иш олиб боришнинг муҳим омили" мавзуида семинар ўтказилди.*

## МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Мулоқот аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий, диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлиги, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги, фонднинг масъул ходимлари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда қайд этилганидек, бугунги кунда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнларда мутасадди ходимларнинг мулоқот маданиятига риоя қилган ҳолда аҳоли билан мулоқот олиб боришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган ҳар бир ходим, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилардан юксак билим, тажриба, қолаверса, масъулият талаб этилади. Чунки улар маҳалла аҳли билан доимий мулоқотда бўлиб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, мавжуд муаммолар, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжлари, ўй-фикрлари, ташаббусларини доимий ўрганиб борадилар. Шу боис, уларнинг мулоқот маданияти борасидаги билим ва тажрибаларини бойитиш долзарб вазифадир.

Намунали тарзда ташкил этилган семинарда, шунингдек, мулоқот маданиятининг аҳамияти, мулоқот кўникмаларини шакллантириш, бу борадаги бой тажрибаларни оммалаштириш хусусида сўз борди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Вилоят ҳаёти

### "ПРЕЗИДЕНТДАН СОВҒА ОЛДИМ"

*Бўка тумани мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг спорт билан мунтазам шуғулланаётган 653 нафар қизларига Президент совғалари – спорт кийимлари топширилди.*

– Бундай ғамхўрликдан бошимиз кўкка етди, – дейди 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Муниса Муҳиддинова. – Ўтган йили ишга туширилган ёпиқ сузиш ҳавзасида мунтазам шуғулланаяпмиз. Устозимиз Дилдора Зиёвуддиновадан сузиш сирларини ўрганиб, мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритаяпмиз.

### ДЕҲҚОННИНГ ҚИЗҒИН КУНЛАРИ

*Пискент туманидаги "Бахтиёр агро лидер" фермер хўжалиги даласида баҳорги экин мавсумига бағишлаб кўргазмали семинар ўтказилди.*

Тадбирда экин-тикин ишларини тўғри ташкил этиш, техникадан унумли фойдаланиш, чигит экиш мавсумини тез ва сифатли якунлаш бўйича фикр алмашилди. Қўшқатор экишда барча агротехник вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича соҳа мутахассисларининг маслаҳатлари тингланди.

### ОНА-БОЛА СПОРТЧИЛАР

*"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" идоравий ҳарбийлашган қўриқлаш хизмати касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан "Онам ва мен" спорт мусобақаси ўтказилди.*

Унда хизматнинг 4 нафар ходимаси ўз фарзандлари билан бешта шарт бўйича беллашишди. Ҳар бир баҳсда алоҳида маҳорат кўрсатган Валентина Лугинова ўғли Ростислав билан 1-ўринни эгаллади.

*Хуршида НАЗАРОВА тайёрлади.*

## КУН ТАРТИБИДА – ГРАНТЛАР

*Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкор ташкилотлар билан "Ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик муносабатлари" мавзуида семинар-тренинг ўтказди.*

Анжуман

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, вилоят Адлия бошқармаси ходимлари, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлинмаси, ЎзННТМА, вилоятда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, фонд томонидан эълон қилинган грант танловлари ғолиблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда вилоятда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган грант танловларида самарали иштирокини таъминлаш юзасидан билим ва кўникмаларини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Фонд томонидан эълон қилинаётган грант танловларида ННТ иштирокини ошириш, давлат грантлари ажратиш тартиби ва шартлари ҳамда ҳисоботларни тақдим этишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари А. Қаршиев иштирок этди.

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

2017 йил учун «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна давом этмоқда!

## ДЎСТОНА ИШОНЧ – МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

*Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик ва биродарлик ришталари боғлаб туришига, оғир-енгил кунларда доимо бир-бирига елкадош бўлувчи қардош халқлар эканига мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи асносида яна бир бор амин бўлдик.*

Муносабат

Ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик руҳида кечган давлат ташрифини ҳар икки мамлакат фуқаролари катта ҳаяжон ва қувонч билан кузатиб боришди. Бутун ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг қайноқ паллада экани яққол намоён бўлиб турди. Турли даражадаги алоқаларнинг фаоллашгани мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар икки давлат мустақилликни қўлга киритгач, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган ўзаро Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро сиёсий масалаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатларимиз икки томонлама ва БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Орolни қутқариш халқаро жамғармаси каби тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилаяпти. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгашига муваққат аъзоликка сайланишини ёқлаган бўлса, ўз ўрнида Қозоғистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Турли соҳаларда икки томонлама манфаатли алоқалар ривожланиб бораётганини ташриф доирасида Остонада ташкил этилган Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокидаги бизнес-форум ҳам тасдиқлаб турибди. 500 дан ортиқ ишбилармонлар қатнашган анжуман якунида умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган савдо шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларда устувор масала бўлиб, 2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард долларга етди. Шунингдек, икки давлат эркин иқтисодий зоналари ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, мамлакатларимиз ҳудудлари орқали юк ва йўловчи ташишни янада кўпайтириш муҳим масалалар сирасига киради.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи икки мамлакат бугун нафақат стратегик алоқалар, балки кенг кўламли ҳамкорлик, бир-бирини чуқур ҳурмат қилиш ва биргаликда ҳаракат қилишга асосланган шериклик муносабатларини намоён этди, минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро ёндошувлар муштарак эканини кўрсатди. Энг муҳими, икки давлат ва икки халқ доимо бир-бирига суяниши мумкин бўлган ишончли қўшнилар экани яна бир бор яққол намоён бўлди.

**Расул КУШЕРБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БУГУНГИ ҒОЯ – ЭРТАНГИ АМАЛИЙ НАТИЖА

*"Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси доирасида Тошкент ҳудудий тақдимоти бўлиб ўтди.*

### Ҳудудий ярмарка



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзкимёсаноат", "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамиятлари, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада 300 та лойиҳа, 120 та тақдимот ва 50 дан зиёд ишланмалар намойиш этилди.

– Кўргазмадаги ишлар хилма-хиллиги билан ажралиб турди, – дейди вилоят ҳокимлиги масъул ходими Абдуваҳоб Абдураимов. – Улар орасида турли соҳаларга татбиқ этиладиган инновацион ғоялар ва технологияларни кўришингиз мумкин. Маҳаллий олимлар ва мутахассислар яратган илғор технологияларнинг амалга татбиқ этилиши ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади.

Зангиота туманидаги "Asia favorite plyus" масъулияти чекланган жамияти турли аккумуляторлар, диодли чироқлар, кўча ёритгичлари сингари маҳсулотлари билан иштирок этди.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Hydro energy" корхонасининг муқобил энергетика жиҳозлари, кичик гидроэлектр станциялари кўргазма иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Хабарингиз бор, Паркент туманидаги "Замона-Раъно" корхонаси шифобахш ва доривор чой ишлаб чиқариш бўйича етакчи саналади. Бу галги тадбирда корхона жамоаси янги технологиялар асосида яратилган бўғимлар яллиғланишида ва хотирани мустаҳкамлашда ёрдам берувчи табиий доривор маҳсулотлари билан қатнашди.

Ярмаркада Тошкент Давлат аграр университетининг стенди ҳар қачонгидан гавжум бўлди.

– Бу ярмаркага 33 та илмий ишланмаларни олиб келдик, – дейди университет проректори Мақсуд Одилов. – Уларнинг 10 таси ёш олимларга тегишли. Айниқса, лимон кўчатлари, гидропоника усулида сабзавотларни етиштириш технологиялари, махсус воситалар ёрдамида мева ва сабзавотларни қуритиш ва қадоқлаш лойиҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Университет ўқитувчиси Шокиржон Маматэминовнинг айтишича, Италия, Янги Зеландия ва Испания каби давлатлардан зотли қуёнларни олиб келиб, ўзимизнинг шароитда кўпайтириш тажрибаси ўтказилаётган экан.

Вилоятимиз олимлари томонидан яратилган ўсимликлар уруғининг униб чиқиши ва уларга турли хил тўлқин узунликларининг таъсирини ўрганувчи қурилма ҳам соҳа ривожида улкан самара бериши кутилмоқда.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

---

### Партиялар ҳаётидан

*Ангрен шаҳрида Президентимиз томонидан илгари сурилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари тарғиботига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, партиянинг вилоят, Ангрен шаҳар кенгашлари вакиллари, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегияси ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш, барча соҳаларни модернизация қилиш ва эркинлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

– Иштирокчилар таклифи инобатга олиниб, Ҳаракатлар стратегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналишида белгилаб берилган вазифалар моҳиятига кўпроқ эътибор қаратилди, – дейди партиянинг Тошкент вилояти кенгаши раиси М. Дархонов. – Чунки бу йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини юксалтириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутгани билан аҳамиятли.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳиятини тарғиб этишда кенг жамоатчиликнинг ҳам фаоллиги зарурлиги таъкидланиб, бу борада мутахассисларнинг тегишли тавсиялари тингланди.

**И. АВВАЛБОЕВ, ЎзА мухбири.**

*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.*

---

*ЎзМТДП вилоят Кенгаши томонидан "Хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.*

# МУҲОКАМАДА ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР МАВЗУСИ

Маълумки, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош мақсадларидан бири уюшмаган аёллар ва ёшларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, спорт билан шуғулланиш ва ижтимоий ҳимояланиш имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шу маънода, партия фаоллари, соҳа мутахассислари, ОАВ ходимлари иштирок этган мазкур йиғилишда кўрилган масалалар бўйича янги ғоя ва таклифларни ўрганиш, уларни амалиётга татбиқ этиш усуллари муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан бугунги ахборот асрида хотин-қизлар ва ёшларимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим ва кўникмасини ошириш, интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, ахборот маконида ҳар томонлама фойдали, миллий руҳдаги сайтларни кўпайтиришга доир таклифлар билдирилди.

**Азиза БОБОЖОНОВА.**

---

Адолат ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтган Олмалиқ шаҳар таъсис конференциясида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Олмалиқ шаҳар кенгаши тузилиб, аъзолар тайинланди. Шунингдек, кенгашнинг Намунавий низомини муҳокама қилиш, ижро аппаратининг тузилмаси (структураси)ни, кенгаш раиси, биринчи

## ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ:
# АДОЛАТ ВА ДАХЛДОРЛИК – УСТУВОР МЕЗОН

Бошланиши 1-бетда.

ўринбосари, раиснинг ёшлар ишлари, диний-маърифий, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари ва Кенгаш котибини тасдиқлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

– Кенгашга жамоатчилик асосида шаҳар ҳокими раислик қилади, – дейди Аҳмад Яссавий номли маҳалла раиси Уразбеки Наметуллаева. – Бу эса ўз-ўзидан вазифалар ижросининг самарадорлиги, жойларда ечимини кутиб турган муаммоларга мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлиги ортади, деганидир. Эндиликда маҳаллаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва ижтимоий масалаларга тумандаги барча ташкилот вакилларининг эътибори кучайиши шубҳасиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Паркент тумани таъсис конференцияси ҳам юксак савияда ўтди. Анжуманда туман Кенгаши тузилиб, аъзолари тасдиқланди. Шундан сўнг Кенгашнинг Намунавий низоми муҳокама қилинди. Конференция иштирокчилари Низом бўйича фикр-мулоҳаза билдириб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга тўхталиб ўтишди.

Конференцияда, шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ташкилий конференциясига делегатлар ҳамда республика таъсис йиғилишига ишончли вакил сайланди.

Юқори Чирчиқ туманида бўлиб ўтган конференцияда давлатимиз раҳбарининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

– Айни пайтда дунёда инсонларнинг онги ва тафаккури учун кечаётган мислсиз курашлар қабиҳ ғояларни ислом арконлари сифатида тарғиб қилишга, жондан азиз фарзандларимизни йўлдан уришга қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас, – дейди "Истиқбол" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Санобар Тўйчиева. – Жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишларимизга қарамай, айрим муаммо ва камчиликлар кўзга ташланарди. Тизимдаги бугунги ўзгаришдан кейин республика ва ҳудудий кенгашларда диний-маърифий масалалар бўйича раис ўринбосарлари лавозими жорий этилиши биз, маслаҳатчиларнинг ишини мувофиқлаштириш, тезкор услубий-амалий кўрсатмалар бериш, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш ва фаолиятимизни самарали юритишда муҳим аҳамият касб этади.

Барча конференцияларда иштирокчилар ўзлари муносиб деб топган номзодларни сайлашди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**

---

# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

*"Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Озиқ-овқат саноати – World Food Uzbekistan-2017" ҳамда "Қишлоқ хўжалиги – AgroWorld Uzbekistan-2017" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.*

### Халқаро кўргазма



Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва Савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ўзвиносаноат", "Ўзбекозиқовқат" холдинг компаниялари, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси ҳамда "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хорижий инвестициялар ва илғор агротехнологияларни жалб этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этилган кўргазмаларда вилоятимизнинг ишбилармон доира вакиллари ҳам ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашишди. Улардан бири – Зангиота туманидаги "Mehnat Group" корхонасидир. Мазкур корхона узумни қайта ишлашдан ташқари консерва маҳсулотлари, шарбат, чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқаради.

– Бу ерга янги маҳсулотларимиздан – узум данагидан олинган кукун ва ёғни олиб келганмиз, – дейди корхона директорининг савдо бўйича ўринбосари Умид Илёсов. – Саломатлик учун фойдали бундай маҳсулотдан қандолатчиликда ҳам фойдаланиш мумкин. Узум ёғи эса, косметик восита ҳисобланади.

32 мамлакатдан 232 та компания иштирок этган кўргазма халқаро миқёсда Ўзбекистон маҳсулотларига бўлган қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатади.

"General machinery group" компанияси томонидан вилоятимизда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири яқинда Пискент туманида 2 гектар майдонда ташкил этилган кўчат етиштириш иссиқхонасидир.

– Иссиқхона бир йилда 20 миллион дона броколли, гулкарам, булғор қалампири, лукола, айсберг ўсимликларининг кўчатларини етиштириш имкониятига эга, – дейди компания раҳбари Фурқат Баҳромов. – Улардан олинадиган маҳсулотларнинг 80 фоизи экспортга мўлжалланган.

Энг муҳими, иссиқхонада 100 киши доимий иш ўрнига эга бўлади, мавсумий ишга эса 1000 га яқин одам жалб қилинади. Лойиҳа доирасида 12 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланган. Компания Янгийўл, Бўка туманларида ҳам истиқболли лойиҳаларни ишга туширмоқда.

Қибрай туманидаги "Imkon Premix" корхонаси паррандачилик ва қорамол етиштириш ва озиқлантиришда ишлатиладиган турли минерал қўшимчалар, пробиотиклар ва бошқа маҳсулотлари билан қатнашди.

Хуллас, мазкур кўргазмалар вилоятимиз вакиллари учун ҳам самарали бўлди. Кўплаб шартномалар имзоланди. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

---

### Халқ қабулхоналарида

*Жорий йилнинг март ойидан Бекобод туманида ҳам Халқ қабулхонаси иш бошлади. Бу "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилнинг амалдаги яна бир тасдиғи десак, муболаға бўлмайди.*

# ҚУРУҚ БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

– Халқ қабулхоналари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ташкил этилмоқда, – дейди Халқ қабулхонаси мудири Ҳ. Зайниддинов. – Инсон манфаатларини ҳамма нарсадан улуғ билиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб туриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий йўналишидир.

Қабулхонада барча шарт-шароитлар яратилган. Кутиш, рўйхатга олиш, она ва бола, тиббиёт хоналари намунали жиҳозланган. Фуқароларнинг мурожаатлари масаланинг моҳиятига қараб, 10 кундан 1 ойгача бўлган муддат ичида атрофлича ўрганилади ва муҳими, ижобий ҳал этилади.

Ўтган бир ой давомида 113 фуқаро турли масалалар юзасидан қабулхонага мурожаат қилди. Уларнинг 5 таси жойида ҳал этилди, қолганлари тегишли идораларга жўнатилди.

Хусусан, "Турон" маҳалласида яшовчи Юлдуз Комилова соғлиги яхши эмаслиги сабабли туман поликлиникасидан йўлланма олиб, даволаниш учун марказий шифохонага борганда, турли баҳоналарни рўкач қилиб, қабул қилишмагани юзасидан мурожаат қилган эди. Қабулхона ходимлари воқеа жойига бориб, аҳволни ўргандилар ва шифохонадагиларнинг баҳоналари асоссиз экани тасдиқлангандан сўнг бемор даволаш учун жойлаштирилди. Ҳозир у бош шифокор назорати остида, давлат томонидан етказиб берилган дори-дармонлар билан даволанмоқда.

Шунингдек, қабулхонада ҳафтанинг ҳар жума куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳам фуқароларни қабул қилиши йўлга қўйилди.

**Сарвиноз БАҲОДИРОВА, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими фаоли.**

---

## Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

# НАЗОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

*Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар пайшанба – Профилактика куни сифатида белгилангани ва шу асосда тегишли тадбирлар амалга оширилаётгани жойларда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.*

Қуйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида шу мавзуда ўтказилган тадбирда туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ота-оналар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда таълим муассасалари, хусусан, касб-ҳунар коллежларидаги ижтимоий-маънавий муҳит, давомат масаласи, ўқувчиларни таълимга тўлиқ қамраб олиш, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш ва бунда ўқув юртлари, маҳалла ҳамда ота-онанинг роли ва масъулияти, бу борада "маҳалла – таълим муассасаси – профилактика инспектори" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтишди. Шунингдек, ўқувчиларга паспорт тизими қоидалари, уни олиш тартиб ва мажбуриятлари хусусида маълумотлар берилиб, коллежнинг шу куни ўн олти ёшга тўлган 15 нафар ўқувчисига тантанали равишда фуқаролик паспортлари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# «КЎМИРФУРУШ»НИНГ ЮЗИ ҚОРА БЎЛДИ

*Минг афсуски, ҳозирги кунда орамизда одамлар ишончини суиистеъмол қилиш орқали мўмай даромад орттиришни кўзловчи фирибгарлар учраб турибди. Улар, асосан, табиатан соддаларни қармоғига илинтиради, деган қарашлар бугун эскирди. Ўзини "ишнинг кўзини биладиган", "замонавий тадбиркор" қилиб кўрсатувчи бу тоифа учун айтиш мумкинки, ўлжанинг катта-кичиги бўлмайди.*

Инсоннинг бошқаларга бўлган ишончидан ғаразли мақсадларда фойдаланувчи бу шахслар қонунга чап бериш мақсадида, янгидан-янги "усуллар"ни ўйлаб топишмасин, алал-оқибат қилмишларига яраша жазо олишлари тайин.

Айниқса, фуқароларимизнинг ички ишлар органлари ходимларига бўлган ишончи туфайли бундай жиноятларнинг тез фурсатларда фош этилишига эришилмоқда.

Асли ангренлик Жавлон Қодиров (исм-шарифи ўзгартирилган) ҳам жамият учун фойдали меҳнат қилиб кун кўриш ўрнига, фирибгарликни ўзига касб қилиб олди. Бу "устаси фаранг" дастлаб Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 2016 йил 1 апрель кунидаги суд мажлисида фирибгарлик содир этгани учун судланган, бироқ, келтирилган зарар қопланганлиги сабабли томонлар ярашиб, суд иши тўхтатилганди.

Аммо, ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига қаллоблик билан шуғулланишда давом этди. Шундай қилиб, унга нисбатан Ангрен шаҳар ИИБнинг 2016 йил 16 декабрь кунидаги тергов-суриштирув хулосасига кўра, Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан айблов эълон қилинди.

Буни қарангки, "букрини гўр тузатади" деганларидек, содир этган қилмиши қонуний кўриб чиқилаётган бир вақтда Жавлон Қодиров навбатдаги фирибгарликни ҳам содир этишдан тап тортмади. Янги жиноий режалар тузди. "Кўмир маҳсулотини олиб бераман", деб фуқароларни алдаб, улардан нақд ва пластик карточкаларидаги пулларини ундириб юрди.

Жумладан, 2015 йил 25 ноябрь куни Ангрен шаҳар "Самарчўғ" маҳалласида яшовчи фуқаро Фаррух Олимов, "Навбаҳор" кўчасида яшовчи фуқаро Саъдулла Тошев ҳамда Ойбек Боллиевнинг ҳар бирига 3 тоннадан сараланган кўмир маҳсулоти келтириб беришни ваъда қилиб, жами 2 миллион 500 минг сўм пулларини ўзлаштирди.

Пешона тери билан мисқоллаб йиққан пулларини Жавлон Қодировга қўшқўллаб тутган фуқаролар чув тушганларини билгач, ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилишди.

Ҳозирги кунда Жавлон Қодировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Нуриддин АБДУЛЛАЕВ, Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси катта лейтенанти.**

Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт / Спорт

# ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

*Хоразм вилоятида 2006-2007 йилларда туғилган спортчилар ўртасида турон миллий якка кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. 250 га яқин курашчи иштирок этган мусобақада туман ва шаҳар босқичларида яхши натижа кўрсатган 24 нафар ёш полвон вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди.*



– Бу йилги мамлакат чемпионатига номзодларни саралаш биз учун жуда қийин бўлди, – дейди бош мураббий Маҳфуза Абдуллаева. – Сабаби, бу ёш тоифасида маҳоратли спортчиларимиз талайгина. Деярли барча вазн тоифасида курашчиларимиз юқори натижаларни қайд этишди.

ХУсусан, ўғил болалардан Ёрқинжон Соибжонов, Беҳзод Асадуллаев, Абдулазиз Ибдиметов, Умар Рустамбеков, Дониёр Каримов, қизлардан Эъзоза Ҳамидова, Умида Ҳуррамова ва Назокат Турсунмуродова ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Мусобақа якунларига кўра, вакилларимиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**Лазиз ИСОҚОВ.**

## ҲАВАСКОРЛАР ШАХМАТ ТУРНИРИ

*Қибрай тумани шахмат клубида Наврўз айёмига бағишлаб катталар ва ёшлар ўртасида вилоят очиқ чемпионати ўтказилди. Вилоят шахмат федерацияси ҳомийлигида ташкил этилган турнирда Тошкент ва Чирчиқ шаҳридан, Бўстонлиқ, Қибрай, Бўка, Янгийўл туманларидан жами 100 га яқин ҳаваскор қатнашди.*

– Бу йилги мусобақага илк бор Янгийўл туманидан ҳам шахматга қизиқувчи 12 нафар ёшларни жалб этдик, – дейди вилоят шахмат федерацияси ижрочи директори Рисқиддин Эсонбоев. – Мухлислар ҳам ҳар бир ўйинни қизиқиш билан кузатиб боришди. Айниқса, 75 ёшли шахматчи Файзулла Носировнинг иштироки ёш спортчиларда катта таассурот қолдирди.

Мусобақа якунида катталар ўртасида чирчиқлик М. Мамарасулов олтин медални қўлга киритди. Қибрайлик ҳаваскор шахматчи Х. Султонов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент шаҳридан М. Омонов учинчи поғонадан жой олди. Кичик ёшдаги шахматчилар беллашувида қибрайлик М. Тошниёзов 8 очко жамғариб, барча рақибларини ортда қолдирди. Кейинги ўринларни Янгийўл туманидан Д. Нишонбоева ва Тошкент шаҳридан Д. Туробов эгаллади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## "ЯНГИБОЗОР" ВИЛОЯТДА ТЕНГСИЗ

*Олмалиқ шаҳрида 2002-2003 йилларда туғилган ўқувчи-ёшлар ўртасида футбол бўйича вилоят чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди.*

Мусобақанинг ярим финалида ғолибликни қўлга киритган Юқори Чирчиқнинг "Янгибозор" ва мезбон жамоа "Олмалиқ" футболчилари финалда ўзаро беллашдилар. Асосий вақтда ғолиб номи аниқланмагач, пенальтилар сериясида "Янгибозор" жамоаси 3-1 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

# ТАЪҚИБ

Сезаяпман, у менга ҳамон ўғринча тикилиб турибди.

Ростини айтганда, аёлнинг нигоҳини етти қават деворнинг ортидан ҳис қила оладиганларнинг биттаси – мен. Автобус келадиган томонга қараб-қараб қўяман-у, у турган ёққа юзланишдан ўзимни тияман. Бироқ, аниқ ҳис қилаяпманки, у менинг ўнг тарафимдагиларнинг саккизинчиси. Жигарранг костюмли тепакал кишининг елкаси оша ҳануз менга термилиб турибди. Улама киприкларини елпиғичдек тебратиб, сурмага ботирилган қошларини чимириб қўяётганини худди телевизорда кўраётгандек аниқ тасаввур қилмаётган бўлсам, нон урсин.

Шунақа таъқиблардан бирам безиб кетдимки...

Хайрият, лип этиб такси келиб қолди. Тўхтатдим. Ақлим етиб турибдики, у ҳам ҳойнаҳой шу тарафга интилаяпти.

"Ҳайда, молодёж!" деб бақирдим шофёрга. Машина тойчоқдек олдинга сапчиди. Мана энди кафега кирволиб, ҳамма одамлардек ўзимни эркин ҳис қилишим, босиб-босиб муздек пиво симиришим мумкин. Ахир, бугун маош олганман.

У қанчалар писмиқлик билан ортимдан тушган бўлмасин, мен барибир хотинимни боплаб чалғитиб кетдим.

**Анвар ОБИДЖОН.**

1 апрель ҳазиллари



## Гапнинг қисқаси...

*Тошкент кўчаларида камералар ишга тушганидан бери кеча биринчи марта "ГАИ" тўхтатди. ... Қучоқлашиб, йиғлашиб кўришдик.*

*Ҳайдовчи: Мақсуд ЖОНИХОНОВ.*

## ШЕРЛОК ХОЛМСГА МАКТУБЛАР

● Жек Лондон Нью-Йоркдаги журналга ваъда қилган ҳикоясини белгиланган вақтда топширолмаётган эди. Журнал муҳаррири ёзувчи истиқомат қилаётган меҳмонхонага шундай мактуб юборади:

"Азизим Жек! Агар ҳикояни йигирма тўрт соат ичида олмасам, хонангизга бориб, бир тепки билан пастга учириб юбораман. Айтиб қўяй, сўзимнинг устидан чиқаман!".

Ёзувчи ноширга шундай жавоб йўллайди:

"Азизим Дик! Мен ҳам ҳамма ишни сизга ўхшаб оёғимда бажарганимда эди, аллақачон сўзимнинг устидан чиқардим".

● Машҳур ёзувчи Артур Конан Дойлнинг кўпгина қисса ва ҳикояларида уддабурон изқувар Шерлок Холмс Лондоннинг Бейкер-стрит кўчасидаги 221-уйда яшаши қайд этилади. Худди шу манзил бўйича Шерлок Холмс номига дунёнинг турли бурчакларидан ҳали-ҳамон хатлар келиб туради...

● Виктор Гюго ўзининг "Хўрланганлар" романи қўлёзмасини ноширга мана шундай "хат" билан юборади:

"?"

Жавоб ҳам ана шундай лўнда бўлади:

"!"

**Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.**

## Меҳмонда бодом чақишнинг лаззати

*ёхуд «қўл бола» ҳикматлар*

Насияга мол бермайдими, билингки, бу тужжорнинг отаси ҳам тужжор ўтган.

☹ 😐 ☺

Бозорда сабзи қиммат бўлса, бу ҳали ошнинг таназзули эмас!

☹ 😐 ☺

Қизиққон одам қизариб-бўзариб гапиради, аммо унинг гаплари ҳеч кимни қизиқтирмайди.

☹ 😐 ☺

Бермаснинг оши пишмас,
Сахийнинг тоши – хил-хил!

☹ 😐 ☺

Кулги – тиши борга ярашади, борида кулиб қолсинлар.

☹ 😐 ☺

Ҳали ўзига соқол чиқмай туриб кўсани мазах қилиш – ўта эҳтиётсизлик.

☹ 😐 ☺

Бу дунёда меҳмондорчиликда бодом чақишдан ҳам роҳатбахш машғулот йўқ. Ягона шарти – бу иш билан кўпроқ меҳмонга борганда шуғулланган маъқул.

☹ 😐 ☺

Тўйга бозордан бодом харид қилишда янглишиб қолманг. Бу – жуда нозик иш. Бир гал Эски Жўва бозоридан беш кило тошбодом харид қилдим. Меҳмонлар чақа олмай, роса уринишди. Тўйдан кейин тарозида тортиб кўрсам, нам тортиб қолган экан, роса олти кило чиқди. Шу бодом билан маҳалламизда яна икки киши қизини узатиб олди.

**Тўпловчи: Аҳмад ОҒА.**

### Рассом хандаси




*– Буни майда ҳарфлар билан ёзиб, тепароққа илиб қўйинглар.*

Реклама ўрнида







ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Электрон почта:** thaqiqat@umail.uz

**Телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Котибият: | 233-79-96 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Холмурод САЛИМОВ**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8606. Адади 13 405. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30.